

## Калола зурриёти ва аждоди йўқ одамдир



09:10 / 18.09.2019 2905

Жумҳур уламолари ҳам калолани худди шу ривоятда тушунтирилгандек англаганлар.

Энди ўша машҳур калола ва «ёз ояти»ни ўрганайлик:

????? ????? ??????????:

وَلَهُ ۖ وَلَدٌ لَهُ، لَيْسَ هَاكَ أَمْرُؤًا إِنِ الْكَلَلَةَ فِي يُفْتِيكُمْ اللَّهُ قُلِ يَسْتَفْتُونَكَ

أُثْنَيْنِ كَانَتَا فَإِنَّ وَلَدٌ لَهَا يَكُنْ لَمْ إِنِ يَرِثَهَا وَهُوَ تَرَكَ مَا نِصْفُ فَلَهَا أُخْتُ

الْأُنثَىٰ حِطٌّ مِّثْلُ فَلَذَكَرَ وَنِسَاءً رَّجَالًا إِخْوَةٌ كَانُوا وَإِنْ تَرَكَ مِمَّا أُلْتُثَانِ فَلَهُمَا

عَلَيْكُمْ شَيْءٌ بِكُلِّ وَاللَّهُ تَضَلُّوا أَنْ لَكُمْ اللَّهُ يُبَيِّنُ ﴿١٧٦﴾

Аллоҳ таоло:

«Сендан фатво сўрарлар. Айтгинки: «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво берур: Агар бир одам ўлса-ю, унинг боласи бўлмаса, синглиси бўлса, унга (маййитдан) қолганнинг ярмидир. У ҳам агар у (сингил)нинг боласи бўлмаса, унга (тўлиқ) меросхўр бўлур. Агар (сингиллар) иккита бўлса, уларга (маййит) қолдирган нарсанинг учдан иккиси. (Меросхўрлар) эркак-аёл биродарлар бўлсалар, бир эркакка икки аёл улушичадир. Аллоҳ сизларга адашмаслигингиз учун баён қилур. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчидир», деган («Нисо» сураси, 176-оят).

Шарҳ: Ушбу оятда калола ҳолда ўлган, яъни ўлган пайтида ортидан болачақаси, набира-чевараси ҳам, ота-онаси, бобо-момоси ҳам қолмаган, фақат ака-укаси, опа-синглиси қолган одамнинг меросини бўлишнинг бир неча кўринишлари баён қилинмоқда:

1. Бир одам вафот этди. Боласи йўқ. Ортидан битта опаси ёки синглиси қолди. Ана ўша қолган ёлғиз қиз қариндоши маййитнинг меросидан ярмини олади.
2. Бир аёл калола ҳолида вафот этди. Унинг ортидан битта ака ёки ука қолди. Ўша ёлғиз эркак қариндош ўлган аёлнинг ҳамма меросини олади.
3. Бир эркак калола ҳолида вафот этди. Ортидан иккита синглиси қолди. Ўша икки сингил унинг меросининг учдан иккисини бўлиб оладилар.
4. Бир эркак ёки аёл калола ҳолида вафот этди. Ортидан ўғил-қиз аралаш ака-ука, опа-сингиллари қолдилар. Улар қолган меросни «бир эркакка икки аёл насибаси» қоидаси асосида бўлиб оладилар.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Албатта, сизлар ушбу «Сиз қилган васият ёки қарз (адо этилган)дан сўнг» оятини қироат қилурсизлар. Албатта, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қарзни васиятдан олдин адо этиш ҳақида ҳукм қилганлар. Албатта, кундошларнинг ўғлидан аввал ота бир, она бир ўғиллар бир-бирларидан мерос олулар. Бир киши ота бир биродаридан аввал ота бир, она бир биродаридан мерос олу», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар. Аллоҳ олий ва билгувчиروқдир.

Шарҳ: Ҳазрати Алининг бу ривоятларининг ярмини, яъни оятда васият лафзи олдин келса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам аввал қарзни адо этишга ҳукм қилганликлари маъносини олдин ўрганган эдик. Нима учун олдин қарз адо этилиши кераклиги ўшанда батафсил баён этилган. Шунингдек, нима учун ояти каримада олдин васият зикр қилинганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Бу ривоятнинг иккинчи қисмида меросдаги ҳажб, яъни меросхўрларнинг бир-бирларини меросдан тўсишлари ҳақида сўз кетмоқда. Бунга туғишган ака-укалар ва ота бир ака-укалар мисол келтирилмоқда.

Бир киши вафот этиб, ортидан ота бир, она бир биродарлари ва ота бир, она бошқа биродарлари қолса, ота бир, она бирлари мерос оладилар ва ота бир, она бошқаларини меросдан тўсадилар, улар ота ва она бир ака-укалар бор жойда мерос ололмайдилар.

Меросдаги энг муҳим масалалардан бири ҳажб – тўсиш масаласидир.

Ривоятда биргина мисол келгани билан мерос илми уламолари бу масалани атрофлича ўрганганлар. Шунинг учун биз ҳам бу масалани батафсилроқ кўриб чиқсак, фойдадан холи бўлмайди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**